

ЁВВОЙИ ОДАМ

(Хикоя)

Кейинги вақтда «қор одами», яъни ёввойи одамга қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетди. Бутун дунёни шу ҳақдаги шов-шув қамраб олди. Зоолог, табиатшунос ва антрополог олимлар тиниҳсиз қидирувни бошлаб юбордилар. Саргузаштга уч одам бўлганим учун экспедициялардан бирига мен ҳам ёзилдим. Экспедициямиз узоқ ва машаққатли йўлни босиб, Помир тоғининг жуда баланд чўққиларигача кўтарилди. Биз бир гўзал жойда асосий манзилгоҳ тикдик. Атрофни ям-яшил арчалар, ранго-ранг гуллар қоплаган, кушлар чуғурлашар, зарра бўлиб пастга отилаётган ирмоқ шовуллар, хуллас, қараб суқинг кирадиган манзара эди. Ха, ёввойи одам бор бўлса, жуда ақлли экан — қанақанги жойда яшашни биларкан.

Биз ҳар бир ковак, ҳар бир дўнгликни қаричма-қарич синчиклаб қидирардик, аммо ёввойи одамдан зиғирча нишона кўринмасди. Кечалари ўт ёқиб кабоб пиширар, бир замонлар овчилар гувоҳ бўлганларидай, ёввойи одам биқиниб келиб биздан гўшт тиланишини кутардик. Фойда чикмади. Ёввойи одамлар илгари қилган хатоларини такрорлаб, баданига ёғ суртиб қўлларини оловга тутишни истамас эдилар чоғи.

Кўп вақт беҳуда изланишлардан кейин ҳафсаламиз пир бўла бошлади. Айримлар орқага қайтишни, бошқалар бу ердан кўчиб юқорироқ кўтарилишни таклиф қилдилар. Охири, эртаси куни ашқол-дашқолларни елкага ортмоқлайдиган бўлдик. Ортга қайтишга келишилди. Менинг эса шундай афсонавор жойларни ташлаб кетишга сира-сира кўзим қиймасди.

Тушликни қилиб бўлгач, беқиёс манзараларга сўнгги бор нигоҳ ташлаш учун бир ўзим ирмоқ томон чиқиб кетдим. Булоқ бўйига ўтириб олиб мусаффо сувнинг милтиллаб қайнашини кузатарканман, орқамда алланима шитирлагандай бўлди. Чўчиб ўтрилдим. Ўгирилдиму тошдай қотиб қолдим! Даҳшат!.. Сершоҳ арча тагида бутун жаҳон излаётган ёввойи одам турарди! Ҳаммаёғи жун, тирноқлари ўсган, баланд бўйли, баҳайбат махлуқ! Биз бир-биримизга қўрқинчли ҳайрат билан тикилиб қолдик. Орадан анча вақт ўтгач, қарахтлигим сал тарқади ва ўрнимдан турдим. Мен тирақайлаб қочишни мўлжаллардим. Миям даҳшатли тезликда ишлай бошлади. «Қочиш?! Ие, нега энди қочарканман? Ахир, мен мана шу ёввойи одамга қўшилиб жаҳон сенсациясининг қаҳрамонига айланаман-ку! Йўқ, ўлсам ўламанки, бундай бахтдан воз кечмайман! Ёввойи одам бўлса ҳам одам-ку у. Яхши гапга тушунар балки?» Мен қўлимни хиёл кўтардим ва ёввойи одамга дедим:

- Салом, ёввойи одам!

- Са... са... са... — дея узуқ-юлуқ овоз чиқарди у.

- Мен сизга сира ёмонлик истамайман.

- Ис... ис...

- Бизда жуда сизнинг қадрингиз зўр!

- Би... би...

- Мен ростини айтяпман, ўлай агар! Агар мен билан борсангиз, сизни бошларига кўтаришади.

Мен ёввойи одам томон икки қадам ташладим, у эса ортига тисланди. Унга янада яқинлашувдим, секин қоча бошлади. Қувишга тушдим.

- Барибир тутмасдан қўймайман! — бақирдим жон- жаҳдим билан.

Ёввойи одамнинг бутун вужуди оёққа айланди. У бўйнини елкасига тортиб олган, сал букчайганча катта харсанг тошлардан айиқдай сакраб ўтар, ҳар замонда қоп-қора жун босган юзини ўгириб тишларини қайраб қўярди. Қарасам, унга етолмайман. Тагин аврашга тушдим.

- Хай, ёввойи одам! Жон ёввойи одам! Тўхтанг!
- Нег... нег...
- Ёввойи одамжон! Мен сизга ёмонлик қилмайман!
- Хи... хи...
- Бирга суратга тушсак бўлди... Вой, ўпкам ёрилиб кетади ҳозир.
- Мен... мен...
- Хўп денг-а! Тўхтанг! Сизни кўрсаму ушлаб оломасам, бир умр афсус-надоматда ўлиб кетаман! Вой-вой!

Оёғим ўтга илашиб йиқилиб тушдим. Эҳ, ҳаммаси тамом! Лекин бир пайт мундай қарасам, ёввойи одам тўхтади. Кейин эса, во ажаб, мен томон кела бошлади. У биқиниб, биқиниб менга яқинлашди-да, оғир ҳарсиллаганча ерга чўкди. Бироқ хавф туғилиши билан қочишга шай эди. Мен ҳам туриб ўтирдим ва:

- Ахир, сизни бутун жаҳон қидиряпти. Биз ҳам экспедиция бўлиб келганмиз, — дедим.

- А-а?..

У ўқ еган йўлбарсдай ирғиб турди ва жон ҳолатда қочишга тушди.

- Ҳай-ҳай! — мен шошиб қолдим, титраб-қақшаб бақирдим: — Ҳой, нимага қочяпсиз? Нимадан қочяпсиз?!

- Алиментдан! — деб жавоб берди у ва ўзини бутазорлар орасига урди.

**Ёзувчи Ориф Фармоннинг
“Ёввойи одам” китобидан**